



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «5» август

VI-33-59-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимияти

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5718-сон Фармонининг вилоятдаги ижроси бўйича Сурхондарё вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудирининг ахбороти тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон Фармонининг вилоятдаги ижроси юзасидан Сурхондарё вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудирининг Ж.Қўзиевнинг ахбороти халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида эшитилганлигини ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилиши 2021 йил 26 июль куни ZOOM дастури орқали ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Термиз шаҳар ва барча туманлар секторлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари орқали юборилган мурожаатларни кўриб чиқиш борасидаги ишларини янада яхшилаши лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Тадбиркорлардан қабулхоналарга келган мурожаатларнинг муддатлари бузилиши бўйича энг кўпи:

Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов);

Денов тумани ҳокимлиги (Р.Пардаев);

Ангор тумани ҳокимлиги (Ш.Абдуллаев) ҳисобига тўғри келаётганлиги инобатга

олиниб, ҳар бир мурожаатнинг сифатли ва қонуний ҳамда белгиланган муддатда кўриб чиқилишини таъминлаб, ижобий ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Термиз шаҳар ва барча туманлар секторлар раҳбарларига:

тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг олдидаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этишда ва мурожаатни белгиланган тартибда сифатли очик, шаффоф тарзда ўрганилмаслиги натижасида такрорий мурожаатлар сони кўпайиб кетишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш;

ўз ҳудудида ҳафтада камида бир марта тадбиркорлар қабулини ва ҳафтада уч марта сектор штабида “Тадбиркорлар куни”ни ташкил этиб, уларнинг муаммоларини ечиб бориш тизимини самарали ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

5. Тижорат банкларига тадбиркорлар ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахсларга кредит ажратиш бўйича келиб тушган мурожаатларнинг қисқа муддатда ва асосли кўриб чиқилишига алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин.

6. Термиз, Денов ва Ангор туманлари ҳокимликларида тадбиркорлардан Бош вазир қабулхоналарига келган мурожаатларнинг муддатлари бузилиши бўйича энг кўп бўлганлиги учун навбатдаги халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йиғилишларида муҳокама қилинсин.

7. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (З.Тўраев) вилоят телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев), “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган таҳририяти (С.Норқобилов) билан биргаликда секторлар раҳбарларининг тадбиркорлар билан бўладиган сайёр қабуллари бўйича лавҳалар тайёрлаб, вилоят ҳамда марказий телевиденияда мунтазам ёритиб борсин.

8. Сурхондарё вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудирини Ж.Қўзиёвга ҳар ой якунида туман (шаҳар) ҳокимликлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар кесимида мурожаат бўйича таҳлилий ёзма ахборотни халқ депутатлари вилоят Кенгашига киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Ёқубов) зиммасига юклансин.

10. Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси



Боболов Т. А.